

Маматханова Наргиза Тохировна,  
Наманган давлат университети таянч докторанти

## ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКСИОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

УДК: 378

---

### **МАМАТХАНОВА Н.Т. ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКСИОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ**

Ушбу мақолада талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни ривожлантиришда аксиологик таълимнинг ахамияти таъкидланган. Ёшлар тафаккурини ривожлантиришда педагогика фанларини ўқитишнинг самарадорлигини таъминлашга оид илмий назарий фикрлар ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: талабалар, тарбия, ижтимоий педагогик, билим, ривожлантириш, педагогика, аксиология, таълим, фаоллик.

---

### **МАМАТХАНОВА Н.Т. РОЛЬ АКСИОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

В статье подчеркивается важность аксиологического воспитания в развитии подготовки студентов к социально-педагогической деятельности. Освещены научно-теоретические взгляды на эффективность преподавания педагогических наук в развитии мышления молодежи.

Ключевые слова и понятия: студенты, образование, социальная педагогика, знания, развитие, педагогика, аксиология, образование, активность.

---

### **МАМАТХАНОВА Н.Т. THE ROLE OF AXIOLOGICAL EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' TRAINING OF FOR SOCIAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITIES**

In the article is emphasized the importance of axiological education in the development of students' training for socio-pedagogical activities. The article presents scientific and theoretical views on the effectiveness of teaching pedagogical sciences in the development of young people's thinking.

Key words and concepts: students, education, social pedagogy, knowledge, development, pedagogy, axiology, education, activism.

**Кириш.**

Илмсиз, маърифатсиз жамият ва мамлакат тараққиётини тасаввур қилиш мушкул. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илм-маърифатга алоҳида урғу берилиши ва бу орқали рақамли иқтисодий ривожлантириш масаласининг кун тартибига қўйилиши иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатдан кучли, бозор иқтисодиёти қонунлари тўлиқ амал қиладиган демократик давлат қуришга қаратилган муҳим қадамдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Шарқ донишмандлари айтганидек, **«Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!»**<sup>1</sup>. Шу сабабли, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш, узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар юксалишларига эътибор бериб қараладиган бўлса, уларнинг негизда ёш авлод тарбияси турганлигини англаш қийин эмас. Чунки, Ватанимизнинг порлоқ келажаги ёш авлодларимиз қўлида.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим ривожининг бевосита демократик ислохотлар чуқурлашуви, яъни таълим-тарбия жараёнининг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг кенгайиши билан ҳам боғлиқлигидир. Халқимиз қадриятлари, ёзма ва оғзаки ижоди намуналари билан талабаларнинг дастлабки бевосита танишиши педагогикага оид фанлар орқали амалга оширилади. Аксиологик таълим талабаларда ижтимоий тарбия муносабатларининг чуқурлашуви билан ҳам характерланади. Педагогика олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология йўналиши талабаларида ижтимоий-педагогик фаолликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши, яъни дарс ва дарсдан ташқари шароитда талабалар ҳалқимиз қадриятлари, ёзма ва оғзаки ижоди дурдоналарини ўрганиши, уларда ижтимоий-педагогик фаоллик компонентларининг ривож-

ланишига асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори<sup>2</sup> мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, таълим тизимида талабаларга халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашни такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Мавзунинг долзарблиги** мамлакатимизда тарбия ишига комплекс ёндашув юксалиб бораётганлиги, ёшлар камолотининг давлатимиз тараққиёти, унинг келажаги, бевосита баркамол шахс шаклланиши билан узвий боғлиқлиги ва бўлажак педагог ва психологлар онгига маънавий қадриятга мансуб манбаларни сингдириш долзарб масалалардандир. Халқ оғзаки ижоди дурдоналарида ифодаланган ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, юртпарварлик, шу азиз ватан тупроғининг, унинг ҳар бир қарич ерининг муқаддаслиги ҳақидаги фикрларнинг, лапарлар мазмуни, санъаткорлар, халқ бахшилари ижросидаги куй ва қўшиқларда, талабаларга тушунарли тилда, қизиқарли, ўзига хос ижро усулида ифода қилиниши тарихимизнинг илдизларини чуқурроқ ўрганишда ҳамда ижтимоий-педагогик фаоллигини ривожлантиришда муҳим манба ролини бажаради.

**Мақоланинг мақсади** педагогика олий таълим муассасаларининг бўлажак педагог ва психологларига маънавий қадриятларни сингдириш, аксиологик таълимни такомиллаштириш орқали ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш, ижтимоий маданиятини янада ривожлантириш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / “Халқ сўзи” газетаси. 25 январь 2020 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПҚ-4038-сон Қарори.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Олимлар ижтимоийлашув деганда фуқаровий ва ахлоқий тарбияни тушунишади. Шунингдек, яна бир гуруҳ олимлар шахс ижтимоийлашувини тарбиянинг асосий мақсади деб ҳисоблашади. Бироқ тарбия бола ижтимоийлашувининг асосий омилларидандир. “Тарбиянинг асосида ижтимоий ҳаракат бўлиши, уни ижтимоийлашувдан фарқлайди”<sup>1</sup>.

«Ижтимоийлашув» атамасини биринчи бўлиб америкалик социолог Ф.Г.Кеддингс инсонларга нисбатан қўлаган. У «ижтимоий табиат ёки индивид характерини ривожлантириш, инсонни ижтимоий ҳаётга тайёрлашди» деган фикрни билдиради<sup>2</sup>. Француз олими Эмиль Дюркгейм ва америкалик социолог олим Тэлкотт Парсонс тадқиқотларида инсонга жамият таъсирининг сустистеъмолчиси сифатида қаралишини таъкидлаган. Бунда ижтимоийлашув жараёнида инсоннинг фаол ўрни, унинг ҳаётий ҳолатларга таъсир этиш қобилияти назарда тутилган<sup>3</sup>.

**Мақоланинг илмий моҳияти** шундан иборатки, ҳозирга қадар педагогик-социологик илмий адабиётларда “ижтимоий-педагогик фаолият” тушунчасининг моҳияти тўлиқ очиб берилмаган. Ёшларнинг маънавиятида руҳ бераётган заифликнинг сабаблари ва уларни аниқлаш, текшириш, ҳал этишда ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари етарли тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Наманган давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент давлат педагогика университети педагогика ва психология йўналиши талабаларининг барча босқичларидан жумла-

дан, 306 нафари иштирокида қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни самарали ташкил этиш жараёни танланди.

**Тадқиқотда қўлланилган усуллар** сифатида илмий-педагогик адабиётларни таҳлил этиш, кузатиш, қиёсий-мантиқий таҳлиллардан фойдаланилди.

**Асосий қисм.** Олий педагогик таълим муассасаларининг бўлажак педагог-психологларига мўлжалланган ижтимоий педагогика фанларини ўқитишда қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни ривожлантиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини ўз ичига олди. Таъкидлаш лозимки, бўлажак педагог-психологларда қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдаги дидактик тизимнинг мақсади тажриба-синов иши жараёнида талабаларда қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятни ривожлантириш даражаси ҳақида мантиқан хулоса қилиш мумкин. Ушбу интеграциялашган таълимий тушунчалар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин: қадриятларга ҳурмат, қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолият бўйича билим, кўникмага эга бўлганлик ва қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятнинг шахсда ривожланганлик ифодаси ва унинг фаолиятида турли кўринишларда намоён бўлиши, ижтимоий-педагогик фаолият компетентлигининг таркиб топиши кабилардир. Шундай экан, бизнинг тажриба-синов ишимиз учун ушбу таркибдаги ҳамма имкониятларга эътибор беришимиз лозим. Бу кўрсаткичлар бўлажак педагог-психологларда қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятни намоёиш қилади, қадриятлар асосидаги таълимнинг бево-сита натижаларини объектив суръатда ифода-лайди, шунингдек, натижаларни қўлга киритиш механизмини очиб беради, ички ва ташқи таъсир омилларининг моҳиятини кўрсатади. Ушбу тажриба-синов иши ўз навбатида бўлажак педагог-психологларда қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш даражасини ва самарадорлигини аниқлашга ёрдам берди.

<sup>1</sup> Тайлаков Н.И. Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик воситалари ва технологиялари. Монография IV том. – Тошкент: “Innovatsiya-Ziyo” нашриёти, 2020. 330 б.

<sup>2</sup> Аликулова М.М. Вояга етмаган ўсмирлар ижтимоийлашувида педагогик ва психологик интеграцион таълимнинг аҳамияти. // “Мақтаб ва ҳаёт” илмий-методик журнали. №5, 2020. 25-28 б.

<sup>3</sup> Поляков А.А. Социальная солидарность в представлениях Россиян и в работах Эмиля Дюркгейма и Тэлкотт Парсонса. // “Социология вчера, сегодня, завтра”. Материалы молодежной региональной научно-практической конференция. БелГУ, Белгород, 16 апреля 2018 г. С. 12-14.

Тадқиқотнинг натижалари ва амалий мисоллар.

Ижтимоий тарбия, ижтимоий фаолият, ижтимоий ҳимоя кўринишида қадимий илдизларга эга бўлган маънавий меросимиз мавжуд. Илк диний-фалсафий (Авесто) ва адабий (Алпомиш, Гўрўғли) манбаларда биз инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан педагогик қарашларнинг акс этишини кўрамиз. VI-VII асрларда Марказий Осиё ҳудудида ислом динининг тарқалиши янги маънавий, ахлоқий қадриятларни олиб келди ва улар минтақада оила ва жамият тарбияси тизимига таъсир кўрсатди. Марказий Осиёнинг араб халифалиги таркибига кириши маданий алмашув, фикр ва қарашларнинг эркин кураши, ўзаро муносабатларнинг шаклланишига олиб келди. Моддий барқарорлик ва ишлаб чиқариш ҳамда савдо ривожига эҳтиёжларига асосланган янги ижтимоий-иқтисодий ҳолат маънавий ва маданий ҳаётнинг юксалишига, дунёвий илм ва фанларнинг гуллаб-яшнашига, форс, араб, қадимги юнон маданияти ютуқларини ўзлаштиришга ёрдам берди.

Маънавий қадриятларимизни замонавий илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш талабаларни маънавий қадриятларни тўғри баҳолаб билишга даъват, миллий қадриятларга, маданий меросга илмий асосда тўғри ёндашиш ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш масаласи келиб чиқади. Шунингдек, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни авайлаб асраш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашиш бўлажак педагог-психологларда ижтимоий-педагогик фаолиятни ривожлантириш вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ёшларда ижтимоий-педагогик фаолиятни миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, эъзозлашни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий йўналишлар орқали амалга оширишда таълим-тарбия асосий омил эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ижтимоий тараққиётнинг асосий негизи ёшларда ижтимоий фаолликни, жумладан, аксиологик таълим мазмунини такомиллаштириш асосида талабаларни ижтимоий-

педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Аксиология (юн. «axio» – қадрият ва «logos» – фан, таълимот) – қадриятшунослик; қадриятлар ҳақидаги фан<sup>1</sup>. Аксиологик таълим, маънавий қадриятлардан фойдаланиб баркамол авлодни тарбиялаш, хусусан, ёшларни ахлоқий, меҳнат ва ватанпарварлик тарбиясида тизимли фойдаланиш асослари шаклланди. Шундай таъсирчан воситалардан бири халқимизнинг севимли қаҳрамони Термиз шаҳрида Алпомишга, Бухоро шаҳридаги адолатпарварлик, ҳақиқатпарварлик тимсоли бўлган Насриддин афандига ҳайкал ўрнатилиши, Қашқадарё вилояти Ғузор туманида “Тоҳир ва Зухро” достонида ёшлар севгисини тараннум этувчи хиёбоннинг яратилиши, шаҳарлардаги истироҳат боғларида халқимизнинг оғзаки ижодида тараннум қилинган миллий қаҳрамонлар образлари ифодаланган ҳайкалчалар ўрнатилиши, талаба-ёшлар ахлоқий, маънавий тарбиясида ва ижтимоий фаоллик компонентлигининг таркиб топишида муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, “Шу маънода халқ оғзаки ижоди ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, «Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган”<sup>2</sup>.

Тадқиқотимиз таҳлилларига асосланиб, талабаларни қадриятлар асосида ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни қуйидагича таърифладик: ижтимоий фаоллик, ўз-ўзини бошқариш кўникмалари, юқори маданияти ва интизомга эга бўлган, ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳаларида фаол иштирок

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. - 680 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 32-33 б.

этадиган, ёш авлодга таълим-тарбия беришда маънавий, ахлоқий қадриятлар уйғунлигида инсонпарварлик тамойилларини амалга оширадиган демократик жамият фуқаросининг тарбияланишидир.

Ўзбекистон радиоси эшиттиришларида халқимизнинг қадимий ашулалари, лапарлари, айтишувларининг мумтоз санъаткорлар томонидан ижросидаги мусиқий асарларнинг, халқ оғзаки ижоди намуналарининг ҳозирги ижодкор ёшлар ижросидаги ашулаларнинг эфирга узатилаётганлиги ҳам талаба ёшлар тарбия ишига қўшилаётган муҳим ҳиссадир. Халқ оғзаки ижоди намуналари асосида Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари томонидан яратилаётган телевизион ва ҳужжатли фильмлар талаба-ёшларда катта қизиқиш ўйғотмоқда. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тарбиявий ишларда муҳим манба сифатида фойдаланиш ва миллий байрамларимиз муносабати билан ташкил қилинадиган тантанали тадбирларнинг ўрни муҳимдир. "Навруз", "Мустақиллик" ва бошқа умумхалқ байрамларида санъаткорлар томонидан ижро қилинган ашулаларда ҳам халқимизнинг қадимий оғзаки ижоди намуналаридан кенг фойдаланилмоқда ва бундай тадбирлар ёшларни нафақат ахлоқий тарбиялайди балки, уларда ижтимоий фаоллик компонентлиги ривожланиши самарадорлигини таъминлаётган муҳим воситалардан биридир.

Олий педагогик таълим муассасаларининг педагогика ва психология йўналиши талабаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ривожлантиришда ўзбек халқ ривоятларининг ролини алоҳида қайд қилиш лозим. Ўзбек халқ ривоятларида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва салбий хусусиятлар орасидаги курашнинг инсон ҳаётидаги ўрнига алоҳида аҳамият берилади. Ушбу маънавий жараённи англаш тарбия ишига янгича ёндашув ва глобаллашув шароитида ёшлар дунёқарашини шакллантириш, юртимизни яқин келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиши бўлажак ёш кадрларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёргарлиги билан бевосита боғлиқдир.

Аксиологик таълимнинг турли шаклларида талаба-ёшлар тарбиясида ижтимоий-педагогик фаолиятни ривожлантиришда сама-

рали фойдаланиш, улар мазмунининг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш, унинг ижтимоий аҳамиятини тушуниш, улар орасидаги уйғунликни англаш муҳим аҳамият касб этади. Маънавий қадриятларни ижтимоий педагогика фани орқали ўрганилиши ҳозирги глобаллашув шароитида, ёшлар билан олиб борилаётган тарбия ишига салбий таъсир кўрсатаётган турли хил ижтимоий ҳолат ва воқеалар мақсадини фож қилишда восита ролини ҳам бажаради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, маънавий маданиятимиз намуналари, дурдоналаридан педагогика ва психология йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни ривожлантиришда самарали фойдаланиш, улар камолотида, ахлоқий тарбиясида, фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида маънавий дунёни шаклланишида, яъни маънавийтимиз мазмунини чуқур ўрганишга, англашларида хизмат қилади.

Изланишларимизга таянган холда қуйидаги таклифларимизни таъкидлаб ўтаемиз:

- бўлажак педагог ва психологларнинг ижтимоий-педагогик фаолият компетентлигини ривожлантиришда аксиологик таълим мазмунини ва ундан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш;

- ёш кадрларни тайёрлаш жараёнида ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашга оид аксиологик таълимдан фойдаланишнинг самарали усуллари, шакл ва воситаларини тадқиқ қилиш;

- бўлажак педагог ва психологларда ижтимоий-педагогик фаолият компетентлигини ривожлантиришда маънавий қадриятларга оид интеграцион илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

- олий педагогик таълимни модернизациялаш даврида бўлажак педагог ва психологларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашни ривожлантиришда, ўрганилаётган фанларни, ахборот технология марказлари, жамоат ташкилотлари фаолияти, дарсдан ташқари шароитда олиб бориладиган қадриятларни тарғиб қилувчи тадбирлардан унумли фойдаланиш масалаларини илмий асослаш зарур.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / “Халқ сўзи” газетаси. 25 январь 2020 йил.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 32-33 б.
4. Тайлаков Н.И. Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик воситалари ва технологиялари. Монография IV том. “Innovatsiya-Ziyo” нашриёти, Тошкент-2020. 330 б.
5. Алиқулова М.М. Вояга етмаган ўсмирлар ижтимоийлашувида педагогик ва психологик интеграцион таълимнинг аҳамияти. “Мактаб ва ҳаёт” илмий-методик журнали. №5, 2020. 25-28 б.
6. Поляков А.А. Социальная солидарность в представлениях россиян и в работах Эмиля Дюркгейма и Тэлкотт Парсонса. Социология вчера, сегодня, завтра. Материалы молодежной региональной научно-практической конференция. БелГУ, Белгород, 16 апреля 2018 г. С. 12-14
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. - 680 б.